



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 10 декабрь, № 241 (5915)

Сешанба

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ


Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилди. Эзгу мақсадлар, яхши ниятлар билан айтилган бу таклифни, бу ташаббусни бутун халқимиз зўр мамнуният, катта умид билан кутиб олди.

Сир эмас, ҳар бир ота-она фарзанди соғлом бўлишини, яхши таълим-тарбия олишини, баркамол инсон сифатида вояга етишини ва албатта, бахтли бўлишини истади. Гап шундаки, мамлакатимизда фарзандларимиз ана шундай унинг-ўсишлари учун барча имконият яратиб берилган. Агар ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, эртанги кунимиз, ишончимиз саналган ёш авлод тақдирини учун муҳим ҳисобланган ислохотлар амалга оширил-

ганлигининг гувоҳига айланамиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Сиҳат-саломатлик йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустақкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари ўзaro узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустақкамланди.

Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар томонлама соғлом фарзандларни тарбиялаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга беқийс эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда илк давлат муқофотларидан бири — “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши ҳам рамзий маънога эга.

(Давоми 2-бетда).



10 ДЕКАБРЬ —
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

Абадиятга дахлдор мадҳия

“Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот”. Ушбу ҳароратли сўзлар билан бошланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, бошимиз узра муаззам байроғимиз хилпираганда, қалбимизнинг туб-тубида ғурур пайдо бўлади, хурмат-эътибор кучаяди, фахр-ифтихор ҳисси жўш уради. Юрт истиқболи, эл-улус иқболини тараннум этувчи бу дилхуш садо кучимизга куч қўшиб, ҳар биримизни бунёдкорлик ишларига ундайверади.

...Биласиз, инсон саломатлиги етмиш икки томирдаги қон айланишининг мўътадиллиги билан баҳоланади. Бинобарин, унинг жамиятдаги обрў-эътибори, одамийлик қиёфаси ҳам икки мезонда чамаланади — Иймон ва Виждон. Зеро, иймон-эътиқоди бутун одам эъгуликка мойил бўлади. Ҳар доим ён-атрофдаги кишиларга, демакки, юртга, Ватанига хизмат қилишни ўзининг инсонийлик бурчи

деб билади. Виждон уйғоқлиги эса кишида сергаклик, ўзи туғилиб ўсган юртига тааллуқли ҳар қандай жараёнга дахлдорлик ҳиссини тарбиялайди. Давлат рамзлари ҳам ватанпарварлик фазилатини шакллантирувчи, жонажон юртни дилдан севишга чорловчи муҳим воситадир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, азалий орзу-истакларимиз, эзгу интилишларимиз давлатимиз рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Чунончи, Ватанимиз мадҳияси, том маънода, биз учун улугвор ва муқаддасдир.

1992 йил 10 декабрь. Ушбу сана тарихга мустақиллигимизни мустақкамлаш даврининг муҳим воқеаси билан икки мезонда чамаланади — Иймон ва Виждон. Зеро, иймон-эътиқоди бутун одам эъгуликка мойил бўлади. Ҳар доим ён-атрофдаги кишиларга, демакки, юртга, Ватанига хизмат қилишни ўзининг инсонийлик бурчи

(Давоми 2-бетда).

Замонавий ахборот технологиялари

божхона хизмати ривожига
катта ўрин тутади

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Корея Республикаси “СУРПА” Ассоциацияси вакиллари билан ҳамкорликда жорий йил давомида олиб борилган ишлар якунланишига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда ҳар икки

гара-божхона пости ва “Тошкент-Товар” темир йўл божхона пости, умуман, божхоначиларимиз фаолиятини ўрганиб чиқишди. Айни чоғда улар иштирокида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК,

АНЖУМАН

Автомобиль ва давлатнинг божхона хизматлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳамкорлик доирасида божхоначиларимиз Жанубий Кореянинг “UNI-PASS” ахборот тизими имкониятлари ва бу борада эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдлар. Дастлаб шу йилнинг 17 июнидан 7 июлига қадар Жанубий корейлик мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, Давлат божхона қўмитаси, “Тошкент-Аэро” икхтисослаштирилган божхона комплекси, “Яллама” че-

агентлиги, Божхона брокерлари ассоциациясида турли учрашувлар ташкил этилди. Тадбирда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш ва товарларни электрон шаклда декларациялаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди. Хусусан, Давлат божхона қўмитаси томонидан 2006 йилда асос солинган Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими айти пайтада 20 дан ортқ ана шундай тизимларни ўзига бирлаштирган бўлиб,

(Давоми 2-бетда).

Изчил ислохотлар ва самарали фаолият

ички бозоримизни сифатли, замонавий маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги 1089 та лойиҳа асосида умумий қиймати қарийб 8,7 триллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

қилаётгани, тадбиркорлик субъектларининг республикамизда янги ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортқ бораётгани бунга яққол мисол бўлади.

Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик, аввало,

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

1,4 баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу юртимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, соноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар самарасидир, албатта.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам муносиб иштирок этмоқда. Зеро, юртимизда истиқлол йилларида чўқур ўйланган ва узокни кўзлаб ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа нафақат шаклланди, балки унинг мустақкам пойдевори яратилди. Ҳозирги кунда иш билан банд аҳолининг салкам етмиш беш фоизи айнан мазкур тармоқда меҳнат

бизнес-режага асосланади. Шу маънода, айтиш мумкинки, олдиға аниқ мақсад қўйган ва пухта лойиҳага эга бўлган ишбилармонгина бозор талабларидан келиб чиқиб, самарали иш юрита олади. Қувонарлиси, бугун республикамизда замон билан ҳамқадам бўлиб, иш тутумини тубдан янгилаб бораётган тадбиркорлар бисёр.

Пойтахтимиздаги “Met Fur Servis” масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти бунинг тасдиғидир. Гап шундаки, дастлабки йилларда бу ерда лари неча турдаги фурнитур ва жиҳозлари ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилга келиб, уларнинг сони 300 тадан ошиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

Ўзбекистонда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллик байрами тантанали нишонланди.

Президент Ислам Каримов 6 декабрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали маросим минбаридан туриб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий кафолати эканлигини қайд этди.

«ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ КЕНГ ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛДИ»

“Жаҳон” ахборот агентлиги мундари Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси раҳбарларининг давлатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сана муносабати билан билдирган фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Жорж Эдгар,
Буюк Британиянинг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқуллода ва мухтор элчиси:

— Мамлакат Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, шубҳасиз, жисмонан ва маънавий жиҳатдан ривожланган авлодни тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг янада кучайишига хизмат қилади. Шу муносабат билан ёшларнинг замонавий билимларни эгаллашлари, ўз салоҳиятларини ҳамда ҳуқуқ ва ман-

фаатларини ҳаётга татбиқ қилишлари учун мамлакатда кенг имкониятлар яратилганини қайд этишни истар эдим.

Асосий Қонун давлат ижтимоий тараққиётининг мустақкам ҳуқуқий кафолати ҳамда республиканинг янада гуллаб-яшнаши учун яхши замин ҳисобланади. Мен Ўзбекистон халқини Конституция кунини билан чин қалбимдан табриклиман. Мамлакатнинг бундан кейин ҳам танлаб олинган йўлдан ишонч билан олға қараб ҳаракатланишига тилақдошман.

Игорс Апокинс,
Латвия Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқуллода ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Конституциясининг тарихий аҳамияти шундаки, у, энг аввало, миллий давлатчиликка ҳуқуқий

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган 2013 йилда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни мустақкамлаш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий пойдевор янада такомиллаштирилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Ислам Каримов томонидан яқинлашиб келаётган янги — 2014 йил мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда).

2013 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда товар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

13
фоиз
ошди.

Рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доир кўрилган тизимли чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада қуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси замонавий Ўзбекистоннинг мустақил тарақ...

раҳбари ўз маърузасида мамлакат эришган муваффақиятлар ҳамда 2013 йилда жамиятнинг ўсувчан хусусиятга эга бўлган тараққиёти хусусида батафсил тўхталгани баробарида, навбатдаги 2014 йилни мамлакатда "Соғлом бола йили" дея эълон қилди.

ган ҳолда, тинчлик ва барқарорликни сақлаш асосида демократик давлат қуришни муваффақият билан давом эттирмакда. Бундай ёндашув мамлакатнинг янада раванқ топишига кўмаклашади. Ўзбекистонда аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади.

барча соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириляпти. Мустақил ривожланишнинг 22 йили давомида Конституциянинг меъёр ва тамойиллари қатъий амал қилингани туфайли салмоқли муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон муваффақиятлари халқаро жамоатчилигининг...

тараққиёти бир-бирига пайваста жараёнлар ҳисобланадики, республика бу йўлда улкан қадамларни ташламоқда. Давлат раҳбари аёлларнинг жамият ҳаётида тўтган муҳим ўрнига алоҳида аҳамият қаратди. Президент қайд этганидек, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча жараёнларида аёлларнинг бевосита иштирокисиз мамлакат ривожини тасаввур қилиб бўлмайди.

Абадиятга дахлдор мадҳия

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мадҳиямиз мамлакат мустақиллиги, халқ озодлиги, давлатнинг буюк келажаги ҳақида қуйлайдиган, фаровон жамият қурилиши йўлида фидокорона меҳнатни тараннум этадиган истиқлол рамзидир. Шу боис қутлуғ таронанинг ҳар бир сатри қалбимизга чўғ солади, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни бот-бот ёдга солиб туради...

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга чақиради, миллий гурурни уйғотади. Мадҳиямиз байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, турли давлат бошлиқларини қутиб олиш ва қузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ихро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ҳамда матн билан ифодалайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, атоқли бастакор Мугал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз жаҳон узра мустақил Ўзбекистоннинг овози сифатида янграб келмоқда.

Юксак ватанпарварлик туйғусини мужассамлаштирган мадҳиямиз бугун таълим масканларида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишига хизмат қилмоқда. Энди ҳарф таний бошлаган жаҳми фарзандларимиз миллиатимизнинг бош қўшигини қуйлаганда, севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Бундай лаҳзаларда халқ ва Ватан улуғланган қўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этишга, бу ёруғ оламини янада мунаввар қурсатадиган илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир бор амин бўламиз:

**Батрикенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машаъли, тинчлик носбони,
Ҳақсевар она-юрт, мангу бўл обод!**

Умуман, бу улғувор қасидани тинглаганда, қуйлаганда беихтиёр энг жўшқин, умидбахш туйғулар жунбушга келади. Қўз олдимизда эзгу ниятлари ўзига эш халқимиз, она-Ватанимизнинг таровати, бой тарихи, саодатли бугуни ва буюк келажиги намоён бўлади.

Шуқриқ, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, тотулик ҳамда иноқлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётир. Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обрў-эътибори ҳам тобора юксалапти. Энг муҳими, овоз ортиб бугунги ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлари келажакка қатъий ишонч билан юксак марралар сари дадил оидимламоқда.

Демак, истиқлолимизни, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимизнинг шон-шухрати ва ёруғ истиқболни шарафловчи мадҳиямиз асрлар оша янграйверади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Изчил ислохотлар ва самарали фаолият

ички бозоримизни сифатли, замонавий маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмақда



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Юртимизда саноат корхоналарини ривожлантиришга қаратилган эътибор, яратилган кулай шaroитлар амалда эътибор, яратилган кулай шaroитлар амалда эътибор, яратилган кулай шaroитлар амалда эътибор...

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда Маҳаллий-лаштириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодийтизмизнинг мустақам ширкати кучига айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилапти.

Дилшод УЛУҒМУРODOV,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ КЕНГ ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛДИ»

қийётидаги энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланиши баробарида, у ҳаётнинг барча муҳим соҳаларини қамраб олгандир. Мазкур ҳужжатда белгилаб берилган устувор йўналишларнинг тўла ва изчил амалга оширилигани, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистон халқи Конституция қабул қилинганининг 21 йиллигини кўтаринки кайфиятда, жўшқинлик, жамият ҳаётининг кўпгина соҳаларида мамлакат эришган улкан муваффақиятлардан фарланиши ҳисси билан қутиб олдики, бу ҳар бир оила ва ҳар бир фуқарога дахлдордир. Бундан кейин ҳам барча ташаббус ва бошланган ишлар муваффақият билан рўёбга чиқарилишига тилақдошман.

Болалар ва ёшлар — бизнинг келажагимиз. Сизнинг юртингизда ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлиги ва таълим олиши юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилигани эътиборга сазовордир.

Мамлакат Асосий Қонуни ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш жараёнлари ҳамда тараққиёт ва гуллаб-яшашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Конституция кунни муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини ушбу қутлуғ байрам билан табриклашни ҳамда уларга раванқ ва фаровонлик тилашини истар эдим.

Павол Иван, Словакия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мен Словакиянинг янги тайинланган элчиси сифатида бундай тантанали тадбирда илк мартаба иштирок этагман. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон

Фумихико Като, Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ривожланишининг ўтган йиллари мобайнида улкан муваффақиятларни кўлга киритди. Республика Конституция тамойиллари таян-

Шу боис Президент томонидан 2014 йилнинг Ўзбекистонда "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши чуқур маъно ва рамзийликка эга, деб ўйлайман.

Чжан Сяо, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— 1992 йили Асосий Қонун қабул қилинган вақтдан буюн Ўзбекистон тараққиёт йўлида улзуксиз олға ҳаракатланмоқда, замонавийликнинг талабларига жавоб беришга ҳар томонлама интиляётир, фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя этгани ҳолда, аънава ва миллий ўзига хосликларга мувофиқ равишда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-демократик тараққиётни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатда демократик давлатчиликни шакллантириш бўйича узоқни кўзлаган қарорлар қабул қилинди. Бу мақсадга эришиш учун давлат ва жамият ҳаётининг

кенг эътирофи ва юксак баҳосига сазовор бўлди.

Анумула Гитеш Сарма, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Президент Ислам Каримов ўз маърузасида қайд этганидек, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари мобайнида аҳолининг турмуш даражасини улзуксиз равишда ошириб боргани ҳолда, иқтисодий ўсишнинг барқарор кўрсаткичларини кўлга киритаётир. Президент таъкидлаганидек, илгари қоқоқ аграр республикадан тез суръатларда ўсиб бораётган, замонавий саноат тармоғига эга бўлган мамлакатга, саноат маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланди.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакат суверенитети ва мустақиллигининг мустақам кафолати ҳисобланади. Асосий Қонун ўзбек халқининг узоқ муддатли манфаатларига мувофиқ келади ҳамда демократик ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш устувор йўналишларини аниқ-равшан қилиб беради. Демократия қурилиши ва конституциявий тажриба

Замонавий ахборот технологиялари

божхона хизмати ривожиди катта ўрин тутади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бу божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнлари тезкорлигини таъминлаш орқали иқтисодий фаолият иштирокчилари учун кенг қулайликлар яратиш ҳамда божхона тўловларини давлат бюджетига тўлиқ ундиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтарди. Зеро, шу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, 2013 йил 1 январидан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби амалиётга жорий этилди.

— Ўзбекистонда АКТни божхона хизмати фаолиятига татбиқ қилиш борасида муайян ишлар бажарилган, — дейди "СУРА" Ассоциацияси менежери Юн Самуэль. — Хусусан, "Ягона ойна" тамойили йўлга қўйилгани айни мунодо-дир. Негаки, у божхоначилар ишини осонлаштириш билан бирга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қўллаб қўлайликлар яратади. Божхона постларида бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳамкорлик доирасида жорий йилнинг 2 — 6 сентябрь кунлари Жанубий Кореяда бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси АКТни татбиқ қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Дониёр Максумов. — "UNI-PASS" ахборот тизими имкониятларини синчиклаб ўргандик. Хусусан, Жанубий Корея товарлар экспортининг 20 фоизи амалга оширилган ва контейнерлар айланмаси бўйича дунёда 5-ўринда турадиган Пусан порти, йилига 100 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш билан шуғулланувчи Хейжин компанияси, "Инчхон" Халқаро аэропорти ҳамда Дорасан божхона постида бўлиб, уларда йўлга қўйилган товарларни электрон декларациялаш амалиётини ўргандик. Бу фаолиятимизни янада такомиллаштиришда қўл келади, албатта.

Яқунда Корея Республикаси мутахассислари Ўзбекистон божхона органлари фаолиятини таҳлил қилиб, келгусида амалга ошириладиган ишлар бўйича тегишли тавсиялар беришди. Шунингдек, томонлар ушбу йўналишдаги ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиришга келишиб олдилар.

Зокир ХУДОЙШУҚУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган "Соғлом бола — соғлом бола" дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида худудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"

ғи қарорига мувофиқ, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. Унга биноан, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий қилиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятга соғлом муҳитни қарор топтиришининг асосий воситаси си-

фатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Барча худудларда, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам бунёд этиляётган замонавий спорт мажмуаларида ўғил-қизларимиз спорт билан муносабатини шакллантириш, саломатлигини мустақамламоқда. Бу борадаги кенг қўламли сайёҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўляпти. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, зотилжам, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Кейинги йилларда, маълумотларга кўра, ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметр, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметр ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Президентимиз ўз маърузасида юртимизда соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида гапириб: "Аёлни кадрлаш, оғир ишлардан ҳалос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчи-

дир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор", дея алоҳида таъкидлаганларида қалбимиз қувончга тўлди.

Халқимизда "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган нақл бор. Биласиз, ушбу нақл тилга олинганда, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида қузатилмайдиган, ўзига хос тарбия маскани саналган маҳаллаларимиз кўз олдимизда гавдаланади. Чунончи, соғлом бола — ақил оиланинг меваси бўлса, унинг ҳулқи, одоби ўша маҳалланинг ютуғидир. Шу боис бизда оилалар келажак насллар тақдирига кучли таъсир қўрсатадиган тарбия маскани сифатида кадрланади.

Соғлом фарзанд ҳар қандай шодибонанинг бегазидир. Фахру ифтихоримиз шундаки, бизда давлат томонидан соғлом бола тамойили амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Соғлом бола йили" деб ном олган 2014 йилда эса бу борадаги ислохотлар янада юксалиши шубҳасиз. Тиббийки, бу таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишончу эътибор ифодасидир. Бундай эҳтиромга муносиб бўлиш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланмоғи шарт, деб ўйлайман.

**Зулфия МАҚСУДОВА,
Тошкент шаҳор тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўлим мудири,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими.**



Шомурот ШАРАПОВ, Бахтиёр АКРАМОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«Юксак ишончни албатта оқлаймиз»

дейишмоқда давлатимизнинг фахрий унвонлари, ордено ва медаллари билан тақдирланган ёшлар

Хабарингиз бор, 2013 йил 3 декабрда давлатимиз раҳбарининг "Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатта мувофиқ, Ватанимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларга фахрий унвонлар, ордено ва медаллар тантанали равишда тақдирланди. Бу юртимизда эртамиз эгаларига нақадар юксак эътибор қаратиляётганининг яна бир яққол тасдиғи бўлди.

СУРУР

Аббосбек МАХСТАЛИЕВ, "Пахтакор" профессионал футбол клуби аъзоси, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиб: — Президентимиз биз, ёшларга муносабат қилганларида, маррани доим банд кўйиш ҳаракатини таъкидлайдилар. Қалбимнинг туб-тубидан жой олдир ана шу ўғитлари мақсадини белгилашда катта туртки бериб, орзу-интилишларим сари дадил қадам ташлашда менга куч-қувват бағишлайди.

Сизга айтсам, футбол ўйнашни бошлаганимда шунчаки тўпнинг орқа-

сидан қувиб, кун ўтказишни эмас, балки Ўзбекистонимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчи бўлишни мақсад қилганман. Чунки мамлакатимизда шундай кенг имкониятлар, шароитлар яратиб берилгани, улардан унумли фойдаланиб, иқтидоримизни намоён этиш — чин фарзандлик бурчимиз, деб биламан.

Футбол оламига кириб келганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, катта ютуқларга эришдим ва бундан жуда фахрланаман. Хусусан, 2011 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилган

жаҳон чемпионатида, кейин қитъа биринчилигида, жорий йилда эса ёшлар ўртасидаги мундиалда қатнашдим. Ана шу нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этиш, мадҳиямиз янграшини эшитиш, давлатимиз байроғининг юқори кўтарилишини кўришининг ўзи улкан бахт.

Фурсатдан фойдаланиб, биз, ёшларга беқийёс ғамхўрлик қўрсатаётганлари учун Президентимизга ўз миннатдорчилигимизни изхор этамиз ва билдирилган юксак ишончини, албатта, оқлашга ваъда берамиз.

Феруза ЖўРАЕВА, Боёвот туманидаги "Шабнам-нурли замин" фермер хўжалиги бошлиғи, "Шухрат" медали соҳибаси:

— Давлатимиз раҳбарининг юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлашга оид Фармонида номлари қайд этилган тенгдошларим қаторида мен ҳам

борлигимни кўриб, жуда тўлқинландим.

Айтиш жоизки, эришяётган ҳар бир ютуғимиз Президентимиз томонидан бизга қўрсатилган доимий эътиборнинг амалдаги самарасидир. Масалан, биргина қишлоқ хўжалиги ҳосясини оладиган бўлсак, айни пайтда вилоятимизда 26 нафар ёш фермер фаолият юратаяпти. Бизга эркин меҳнат қилиш, ўз истеъдодимизни намоён этиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Фермер хўжалигимиз аъзоларининг аксарияти касб-хунар коллежаларини битирган ёшлар. Улар янгича иш юритиш, экинлар парваришида илгор агротехника усулларини қўллаш орқали хўжалик фаолиятини янада ривожлантиришга интилувчан мутахассислардир.

Бу йил пахта ва галладан мўл ҳосил олдик. Қолаверса, чорвачиликни йўлга қўйдик. Энди гўштни қайта ишлаш чекини очмоқчимиз. Лойихамиз амалга ошган, даромадимиз кўпайиши билан бирга, янги иш ўринлари яратилади.

"Ўзбек модели" асосида ўз тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига қўшилишга интилмақда. Ана шу доводни забт этишда биз, ёшлар бир тану бир жон бўлиб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Муроджон ХОЛМУРОДОВ, велюспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:

— Бугун жуда ҳаяжонданман. Юксак унвонга муносиб кўрилганим учун давлатимиз раҳбарига алоҳида миннатдорлик билдираман. Бу ҳам шараф, ҳам улкан масъулият демакдир. Ҳозиргача қўллаб мамлакатларда ташкил этилган мусобақаларда қатнашдим, совриндорлар сафидан ўрин олдим. Осиё чемпионатида иштирок этдим. 2012 йилда Лондонда ўтказилган XXX ёши Олимпиада уйинларидан катта тажриба тўпладим.

Мақсадим — Бразилияда бўлиб ўтадиган навбатдаги Олимпиадада голиб чиқиш. Қолаверса, биланларимни, тажрибамни ёшларга ўргатсам, маҳоратли велоспортчиларни тайёрласам, дейман.

Шавкат ОРТИҚОВ
ёзиб олди.

Мақсад — мижозларга қулайлик яратиш

НАМКОРБАНК



“Хамкорбанк” очик акциядорлик тижорат банки ташкил этилганига йигирма икки йил бўлди. Айтиш жоизки, ўтган даврда у мамлакатимиз молия бозорига мустақам ўрин эгаллаб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатувчи муассасага айланди. Эндиликда эса “Хамкорбанк”

жамоаси аҳолига хизмат кўрсатишининг замонавий турларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Аҳоли омонатлари, пул ўтказмалари, коммунал тўловларни қабул қилиш, кредитлар ажратиш, пластик карточкаларни муомалага чиқариш шулар жумласидан бўлиб, барчаси “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилига асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, пластик карточкаларга бўлган талабнинг ортиши кадрлар зиммасига катта масъулият юклатмоқда. Зеро, бундан ўн йил муқаддам ўзига хос янгиликдек туюлган пластик карточкалар бугун дерзли ҳар бир кишининг қундалик ҳаётига айланиб улгурди.

“Coscom”, “Baraka teks”, “Shinkontraktorg” хорижий корхоналари, республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Dawson Plast”, “Color ipt” қўшма корхоналари айнан “Хамкорбанк”нинг пластик карточкаларидан фойдаланаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Қўйдан мазкур банк мижозларининг дил сўзлари билан танишасиз.

Реклама ўрнида

ТАҚДИМОТ

Тошкент шаҳридаги “Kolberg Production” компаниясида ерэнгоқ пастаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг тақдимотида қайд этилганидек, мазкур маҳсулот юртимиз озиқ-овқат саноатида янгилик бўлиб, унга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта. Шу боис “Nuttis” савдо белгиси остидаги ерэнгоқ пасталари келгуси йилдан бошлаб “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

Озиқ-овқат саноатининг янги маҳсулоти

Таъкидлаш кераки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида озиқ-овқат саноати жадал ривожланмоқда. Айниқса, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти қўллаб-қувватланиб, турли имтиёзлар берилган ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда кўл келаётир. Ҳозирда тизим корхоналари томонидан 5,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,6 фоиз ўсишга эришилди. Табиийки, бундай юқори кўрсаткичнинг қўлга киритилишида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалиётга тезроқ жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлди.

“Kolberg Group” гуруҳи таркибидидаги “Kolberg Production” компанияси ҳам озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизациялаш жараёнида фаол қатнашмоқда. Ерэнгоқ пастаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линиянинг ўрнатилиши, айтиш мумкинки, бу борадаги ишларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Бунинг учун 400 миң АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобига Хитойдан энг замонавий технологик ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Унинг ёрдамида эса ойига 135 миң тоннагача импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш мумкин.

— Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилган лойиҳамиз юртимиз аҳолисини юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади, — дейди “Kolberg Production” компанияси директори Темура Исоев. — Айни чоғда тўрт хил паста, снак (газак) ва ерэнгоқ асосида глазированган конфетларнинг бир неча тури тайёрланмоқда. Келгусида маҳсулот асортиментини янада кўпайтириш ниятидамиз.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ноябрь ойида АҚШда 203 мингта иш ўрни ташкил этилди. Бу ҳақда мазкур давлатнинг бандлик департаменти маълумотларига таяниб, “Еврьюс” телеканали хабар тарқатди.

Ижобий кўрсаткич

Шундай қилиб, ҳудудда ишсизлик даражаси сўнгги беш йилдаги энг минимал кўрсаткич — 7,3 фоиздан 7 фоизга тушди.

Қайд этиш жоизки, аввалроқ таҳлилчилар ўтган ойда АҚШда 180 мингта янги иш ўрни очилишини тахмин қилишганди.

Рухсат берди

Хитой ҳукумати “Renault” (Франция) концернига маҳаллий “Донгфен” компанияси билан ҳамкорликда мамлакат ҳудудида автомобил ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхона очишга рухсат берди.



Амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳанинг умумий қиймати бир миллиард еврога тенг. Мутахассисларнинг эътирофи айтишича, бу “Renault” учун жуда катта имкониятдир. Чунки айни пайтда Хитой автомобиль бозори дунёда энг харидорғир бўлиб турибди. Масалан, ўтган йили бу ерда “кўҳна

китъа”дагига нисбатан 5 миллион дона кўп, яъни 19,3 миллионга машина сотилган.

Вақт кўрсатади

Жорий йилнинг июль — сентябрь ойлари якуни бўйича Японияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,5 фоиз ўсиши тахмин қилинган.



Амалда ушбу кўрсаткич 0,3 фоизни ташкил этди. Таҳлилчиларнинг фикрича, мазкур натижа мамлакатда иқтисодий ўсиш жараёни суст кечаяётганини ифодалайди. Келгуси йилнинг апрель ойидан савдо солигининг оширилиши эса вазиятни янада мураккаблаштириши мумкин.

Аммо айрим хабарларда 2013 йилнинг тўртинчи чораги якунида Японияда ЯИМ ҳажми 3,6 фоиз ўсиши ҳақида ҳам сўз юритилган.

Олимпиада медали аукционда сотилди

1936 йилда Берлинда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида АҚШлик енгил атлетикачи Жесси Оуэнс бир йўла тўртта олтин медални қўлга киритган эди.



Ўтган яқшанба куни унинг ана шу совринларидан бири Калифорнияда ташкил этилган он-лайн-аукционда қарийб 1,5 миллион долларга сотилди. “Associated Press” ахборот агентлиги хабарига кўра, ноёб тарихий буюми Рон Беркл исми маҳаллий миллиардер харид қилган.

Аукционга қўйилган олтин медални бир пайтлар Жесси ўзининг энг яқин дўсти, машҳур актёр ва раққос Билл Робинсонга совға қилган экан.

Рекорд даражадаги совуқ

Антарктидадаги Япониянинг “Фудзи гумбази” станцияси ҳудудида сайёраимизда ҳозиргача кузатишган энг паст ҳарорат — Цельсий бўйича минус 91,2 даража қайд этилди.

Бу ҳақда “The Sunday Times” нашри хабар тарқатди. Ҳароратни ўлчаш ишлари Америка қор ва муз маълумотлари бўйича миллий маркази мутахассислари томонидан сунъий йўлдош орқали амалга оширилди.

Антарктидада бундан олдинги энг совуқ ҳарорат — минус 89,2 даража 1983 йилда аниқланган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳамкорлик масофа танламайди

“Хамкорбанк”нинг Яққасарой филиали мижозиман. Банк ходимларининг хушмуомалалиги, ўз ишини сидқидилдан бажаришини кўриб, тўғриси, ушбу молиявий муассаса

билан ҳамкорлик қилаётганидан хурсанд бўлиб кетаман. Ўтган даврда шунга амин бўлдим: ҳамкорлик масофа танламас, муҳими, ўзаро ишонч бўлса кифоя экан.

Айни пайтда жамиятимизда пахта толасидан тайёрланган калава ип Россия, Хитой, Поляша сингари давлатларга экспортга чиқарилмоқда. 300 нафарга яқин

ишчи-хизматчининг самарали меҳнат қилишида “Хамкорбанк” билан ўрнатилган мустақам алоқаларнинг аҳамияти катта, албатта.

Абдусаттор САЛОҲИДДИНОВ,
Гулистон шаҳридаги “Вагака teks” масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси.

Ҳозирги кунда “Хамкорбанк” республикамизнинг турли ҳудудларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 5,4 миңдан ортиқ терминаллар ўрнатган бўлиб, ҳаммаси аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи давомида эса улар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 146,3 фоиз, пластик карточкалардаги қолдиқ маблағ миқдори 149,3 фоиз, иш ҳақини пластик карточкаларга ўтказаятган ташкилотлар сони эса 128,6 фоиз ортди.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Олеся УМОВА,
Тошкент шаҳри

Банк матбуот хизмати.

Ривожланиш гарови

Бугун замон билан ҳамнафас бўлмаган ишбилармон тобора рақобат қўнайиб бораётган муҳитда қийинчиликка учраши табиий ҳол. Масалан, ўзим бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган “Maks Layn” ва “Color iptv” масъулияти чекланган жамиятларини олиб кўрайлик. Аҳолига телекоммуникация ва рақамли телевидение хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган ушбу корхоналар энг илғор ускуналар билан жиҳозланган.

Қасбим тақозоси туфайли молиявий ҳисоботларни юритишда ёки ишчиларнинг ойлик маошларини олишда банк ходимлари билан тез-тез мулоқотда бўлам. Қувонтирадиган жиҳати, уларнинг бари — ўз соҳасининг билимдони. Биз банк ходимларининг фаолиятдан жуда мамнунмиз.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 30 НОЯБРДАН 6 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сонли қарори билан тасдиқланган Бош, ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 19 ноябрдаги 105-сонли буйруғи.
- 2013 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2531 (2014 йил 1 январдан қўлдан киради).
2. «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасдиқлаб берган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 16 ноябрдаги 890-сонли буйруғи.
- 2013 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1869-1 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
3. «Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 21 ноябрдаги 136-сонли буйруғи.
- 2013 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
4. «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/3-сонли қарори.
- 2013 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-7 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
5. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳиясини икром этиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 1256-сонли буйруғи.
- 2013 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2533 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
6. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/5-сонли қарори.
- 2013 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-1 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
7. «Қимматли қўғозлар бозори ишторқочлари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» буйруқча ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 29 ноябрдаги 2013-06-сонли буйруғи.
- 2013 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-6 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
9. «Қимматли қўғозлар бозорини инвестиция маслаҳатчисининг фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» буйруқча ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 29 ноябрдаги 2013-07-сонли буйруғи.
- 2013 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1495-4 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
10. «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2013 йил 30 ноябрдаги 03-сонли қарори.
- 2013 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-7 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).
11. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПҚ-4582-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 3 декабрдаги 111-сонли буйруғи.
- 2013 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2534 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).

профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқча ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 29 ноябрдаги 2013-06-сонли буйруғи.

2013 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-7 (2013 йил 9 декабрдан қўлдан киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Фурқат қўмитаси дололатнома ёзувларининг шакллари ва уларни ўқидириш бўйича қондалар, 1-сон ўзгартириш» (рўйхат рақами 2018, 2009 йил 14 октябр), (рўйхат рақами 2018-1, 2011 йил 19 октябр). Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 6 декабрдаги 362-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПҚ-4547-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низоми (рўйхат рақами 2497, 2013 йил 7 август). Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.
3. Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.
4. Адлия вазирининг 2013 йил 6 декабрдаги 362-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.
5. Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

TO'SHKE'NT - VOL'GOG'RAD - TO'SHKE'NT
ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

УРГАНЧ - ВОЛГОГРАД - УРГАНЧ
ҳар ҳафтанинг шанба кунлари

Сертификат № СЭ1-О

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

+99871 140-02-00
www.uzairways.com

ТТЗ «Тошкент труба заводи» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажми, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Азиз юртдошлар!

**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни**

**муносабати билан
барчангизни
муборакбод этамиз!
Ватанимиз равнақи
йўлида амалга
ошираётган ишларингизда
муваффақият,
мустаҳкам соғлиқ
ва фаровонлик
доимий ҳамроҳингиз
бўлсин!**

Infin BANK



UZBEKNEFTEGAZ

«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МЖК

жамоаси ватандошларимизни
мамлакатимизнинг Асосий Қонуни —
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинганининг

21 йиллиги

билан табриклайди!

Меҳнатсевар халқимизга
тинчлик-хотиржамлик,
Ватанимиз равнақи йўлидаги
эзгу ишларида муваффақиятлар
тилайди!

Реклама ўрнида



Жаҳон чемпионатига қуръа ташланди

Хабарингиз бор, келаси йилнинг 12 июнь — 13 июль кунлари Бразилияда футбол бўйича навбатдаги — XX жаҳон чемпионати ташкил этилади. Утган жума куни мезбон мамлакатнинг Коста-ду-Сауипе шаҳрида ушбу нуфузли мусобақага қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда жаҳон чемпионатининг финал босқичида қатнашадиган ўттиз икки терма жамоа саккиз гуруҳга тақсимланди.

“А” гуруҳи: Бразилия, Хорватия, Мексика, Камерун.

Мухлису мутахассисларнинг фикрича, ушбу кварталда Бразилия яққол фаворит ҳисобланади. Шу боис кураш, асосан, иккинчи ўрин учун кечади. Бу натижани қўлга киритишга қолган уч жамоада имконият тенг экан.

Мазкур гуруҳ учрашувлари куйидаги саналарда белгиланди:

12 июнь. Бразилия — Хорватия, Мексика — Камерун.
17 июнь. Бразилия — Мексика.
18 июнь. Камерун — Хорватия.
23 июнь. Камерун — Бразилия, Хорватия — Мексика.

“В” гуруҳи: Испания, Нидерландия, Чили, Австралия.

Сўнгги жаҳон чемпионатининг финалчилари — Испания ва Нидерландия терма жамоаларининг бир гуруҳдан жой олиши муҳлисларга мусобақа стартдаёқ қизиқарли курашларни тухфа этади. Қолаверса, кўпчилик экспертлар ҳозирданок ушбу икки юрт вакиллари кейинги босқичга чиқариб қўйди. Табиийки, Чили ва Австралия бунга осонликча кўнмаса керак.

Гуруҳ жамоалари ўртасидаги бахслар куйидаги саналарда бўлиб ўтади:

13 июнь. Испания — Нидерландия, Чили — Австралия.
18 июнь. Испания — Чили, Австралия — Нидерландия.
23 июнь. Австралия — Испания, Нидерландия — Чили.

“С” гуруҳи: Колумбия, Греция, Кот-д’Ивуар, Япония.

Тўрт қитъадан биттадан вакил. Шу боис мазкур

тўртлик жамоалари ўртасидаги ўйинлар муросасиз курашларга бой кечилишига умид қилсак бўлади.

Жамоалар куйидаги саналарда ўзаро беллашадилар:

14 июнь. Колумбия — Греция, Кот-д’Ивуар — Япония.
19 июнь. Колумбия — Кот-д’Ивуар, Япония — Греция.
24 июнь. Япония — Колумбия, Греция — Кот-д’Ивуар.

“Д” гуруҳи: Уругвай, Коста-Рика, Англия, Италия.

Бир йўла жаҳоннинг учта собиқ чемпиони — Уругвай, Италия ва Англия терма жамоалари жой олган мазкур квартални энг мураккаб гуруҳ, дейиш мумкин. Чунки улардан бири мусобақани гуруҳ босқичидаёқ яқунлашига тўғри келади.

Гуруҳ ўйинларини куйидаги саналарда кузатамиз:

14 июнь. Уругвай — Коста-Рика, Англия — Италия.
19 июнь. Уругвай — Англия, Италия — Коста-Рика.
24 июнь. Италия — Уругвай, Коста-Рика — Англия.

“Е” гуруҳи: Швейцария, Эквадор, Франция, Гондурас.

Франция яққол фаворит кўринса-да, гуруҳдан қайси жамоалар курашни давом эттириши ҳақида ҳозирча аниқ тахминлар илгари сурилмаяпти.

Жамоалар куйидаги саналарда ўзаро рақобатлашадилар:

15 июнь. Швейцария — Эквадор, Франция — Гондурас.
20 июнь. Швейцария — Франция, Гондурас — Эквадор.
25 июнь. Гондурас — Швейцария, Эквадор — Франция.

“F” гуруҳи: Аргентина, Босния ва Герцеговина, Эрон, Нигерия.

Ушбу гуруҳдан Аргентина, Босния ва Герцеговина ҳамда Нигерия терма жамоалари дастлабки икки ўринга асосий даъвогар сифатида кўрсатилмоқда. Бу тахмин ўзини нечоғли оқлашни гуруҳ бахслари якунида билиб оламиз:

15 июнь. Аргентина — Босния ва Герцеговина, Эрон — Нигерия.
21 июнь. Аргентина — Эрон, Нигерия — Босния ва Герцеговина.
25 июнь. Нигерия — Аргентина, Босния ва Герцеговина — Эрон.

“G” гуруҳи: Германия, Португалия, Гана, АҚШ.

Учта кучли таркибга эга жамоа — Германия, Португалия, Гана иштирокидаги учрашувларни кузатиш ҳар бир футбол муҳлисига олам-олам қувонч улашиши, шубҳасиз. Афсуски улардан бири илк босқичдан сўнг уйга қайтади.

Гуруҳ бахслари бўлиб ўтадиган саналар билан танишинг:

16 июнь. Германия — Португалия, Гана — АҚШ.
21 июнь. Германия — Гана.
22 июнь. АҚШ — Португалия.
26 июнь. АҚШ — Германия, Португалия — Гана.

“H” гуруҳи: Бельгия, Жазоир, Россия, Жанубий Корея.

Бу гуруҳда Бельгиянинг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Шундай экан, иккинчи ўринни қўлга киритиш учун қолган жамоалар жиддий рақобат олиб бориши аниқ.

Жамоалар ўртасидаги бахсларга куйидаги саналарда гувоҳ бўламиз:

17 июнь. Бельгия — Жазоир, Россия — Жанубий Корея.
22 июнь. Бельгия — Россия, Жанубий Корея — Жазоир, Жанубий Корея — Бельгия, Жазоир — Россия.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

«ЎЗНЕФТЕГАЗКАЗИБЧИҚАРИШ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
умумхалқ байрами —
Ўзбекистон Конституцияси
қабул қилинганининг
21 йиллиги
билан чин дилдан
қутлайди!

Барчага бахт-саодат, сиҳат-саломатлик,
мамлакатимиз гуллаб-яшнаши
ва осмонимиз мусаффо
бўлишини тилайди!

199882

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўялолар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси